

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ

**ПСИХОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ
ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ**

ГЛОБАЛ ДУНЁДА ПСИХОЛОГИЯ ФАНИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ, ЧАҚИРУВЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

**Профессор Эргаш Ғозиевич Ғозиев хотирасига бағишланган
Республика илмий-амалий конференцияси материаллари**

16 феврал 2022 йил

Тошкент 2022

УДК 159.9+316.6
ББК 168.1

Масъул муҳаррирлар:

Ўзбекистон Миллий университети профессори, психология фанлари
доктори Д.Г.Мухамедова

Ўзбекистон Миллий университети доценти, психология фанлари
доктори У.Б.Шамсиев

Ўзбекистон Миллий университети доценти, психология фанлари
доктори М.Х.Карамян

Муҳаррирлар:

Ўзбекистон Миллий университети доценти, психология фанлари
доктори Д.И.Илхамова

Ўзбекистон Миллий университети доценти, психология фанлари
номзоди Н.М.Далимова

Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси М.Т.Каримова

Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси М.А.Ибрагимов

Глобал дунёда психология фани: назария ва амалиёт, чақирувлар ва истиқболлар: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (16-феврал 2022 й., Тошкент ш.) / Д.Г.Мухамедова, У.Б.Шамсиев, М.Х.Карамян таҳрири остида. – Т.: «Замон полиграф», 2022. – 442 б.

Конференция материаллари психология фанининг халқаро миқёсдаги муҳим назарий ва амалий муаммоларини акс эттиради. Ушбу тўпламда тараққиёт психологияси, ижтимоий ва амалий психология, психологик таълим соҳасида фаолият олиб борадиган олим, ўқитувчи ва талабаларнинг назарий, тадқиқотчилик ва амалий фаолиятлари натижалари акс этган.

Мазкур тўплам материаллари психологлар, педагоглар, файласуфлар, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабалар учун жуда муҳим илмий-амалий манбаа ҳисобланади.

Тўпламда чоп этилган маълумотларнинг ишончилиги ва тўғрилиги учун муаллифлар масъулдир.

ISBN 978-9943-7944-6-7

© Ўзбекистон Миллий университети Психология кафедраси ва
Ижтимоий психология кафедраси

мантикий мулоҳаза юритишга ундайди. Фаровонлик ҳисси танганинг бир томони бўлса, армон унинг иккинчи томони бўлиб, ҳар иккисини шахсни комиллик сари ундовчи куч сифатида баҳолаш мумкин. [2, б 256.].

Э. Ғ. Ғозиев томонидан талқин этилган барча юксак инсоний ҳислар бири-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, уларни ёшларда шакллантириш ҳар бир авлоддан катта масъулият ва масъулликни талаб этади.

Янгиланаётган Ўзбекистонинг эртанги куни ёшлар қўлида экан, эртанги кун психологлари тайёрлашда замондош устозларимизнинг таълимотлари билан уларни қуроллантириш психология фанининг фаровон келажакни яратиш учун қўйилган улкан қадамлардан бири ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ғозиев Э. Ғ. Умумий психология. Т. 2010 й. Ўз ФМЖ нашриёти.
2. Ғозиев Э. Ғ. Психология методологияси. Т. 2013 й. Нашр.

ТИББИЙ ПСИХОДИАГНОСТИКАНИНГ ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ФОЙДАЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мелибаева Р. Н.

Тошкент тиббиёт академияси

Дунёда инсон саломатлигини таъминлашда тиббий ва психологик омилларнинг уйғунлаштириш, психологик даво чораларининг самарали йўллари шакллантириш, организм ва инсон руҳияти ўртасидаги муносабат, жароҳатлар туфайли вужудга келган стрессли бузилишларнинг клиник-психологик ва психосоциал омиллари, ақлий тараққиётдан ортда қолиш ва шизофрения шароитида когнитив функцияларнинг бузилиши, олий ўқув юрти талабаларининг амалий соғлом ҳолатида тафаккурда учрайдиган псевдопатологик хусусиятлар, муттасил мия ишемик касалликларнинг илк диагностикаси ва даволашнинг биосоциал омиллари, аутистик бузилишли болалар билан оилавий муносабатларни ташкил этиш хусусиятлари, шизофрения касалларининг қадрият йўналишлари, саратон касаллигига чалинган беморларга муносабат, тиббиёт ходимлардаги сўлиш синдроми ва эмоционал интеллект хусусиятлари, ўсмир ва ўспиринлардаги психосоматик бузилишларнинг психосоциал омиллари, хавотирланиш ва ваҳиманинг кучайиб бориши типологияси, динамикаси ва коррекцияси ва бошқа қатор муаммолар тадқиқот йўналишлари сифатида ўрганилган.

Бугунги кунда тиббиёт соҳалари сингари психологиянинг қатор соҳалари, хусусан, тиббиёт психологияси, клиник психология, психотерапия, нейропсихология беморларнинг ташхислаш, даволаш ва уларнинг парваришда ўзига хос ўрин тутмоқда. Фан тараққиётининг янги босқичлари саломатликнинг таъминлашга хизмат қилишда беморни ташхислаш, касаллик сабалари ва уларнинг олдини олишга хизмат қилувчи даво-чораларини белгилашда тиббий психодиагностиканинг ўрни юқори

эканлигини тажрибаларда ўз тасдиқини топмоқда. Шу сабабли ҳам тиббиёт психодиагностиканинг мазмун ва моҳияти ҳақидаги мулоҳазалар бунга аниқ изоҳ бериш имконини беради. Тиббий психодиагностика психологик диагностиканинг ихтисослашган бўлими бўлиб, психология фани ва амалиётининг ажралмас қисмидир. Жаҳоннинг етакчи мамлакатларида (АҚШ, Россия, Буюк Британия, Франция ва бошқалар) тиббиёт психологияси ва унинг амалий масалаларида қўлланиладиган тиббий психодиагностика усуллари татбиқи Ўзбекистонда мазкур соҳада изланишлар олиб боришга йўналтирган.

Ўзбекистонда тиббий психодиагностиканинг ҳолати ва унинг жорий этиш истиқболларини ўрганиш юзасидан эмпирик тадқиқот тшқил этилди. Тадқиқотда фойдаланилган анкетдаги ўнта баҳолаш мезонлари бўйича тиббиёт соҳасида ходимларнинг муносабатлари ўрганилди. Дастлаб тиббиёт билан психология фанининг интеграцияси ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги тўғрисидаги муносабатлар аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Тиббиёт ходимлари фаолиятида психология фанининг ўзаро интеграциясига бўлган зарурат

Мезон	Тиббий ходимларнинг миқдори ва % улуши (N=64)							
	Боғлиқ		Қисман боғлиқ		Мутлақо боғлиқ эмас		Жавоб бермаган	
Тиббиёт билан психология фанларининг ўзаро боғлиқлиги	53	82,81	7	10,93	2	3,12	1	1,56
Тиббиёт муаммоларини ечишда психология фанининг соҳаларига зарурат борлиги	Зарурат бор		Қисман		Зарурат йўқ		Жавоб бермаган	
	51	79,68	11	17,18	1	1,56	1	1,56

Эмпирик кўрсаткичлар тадқиқотда жалб этилган тиббиёт ходимлари (респондентлар)нинг сони ва фоизли улуши бўйича тақдим этилди. Респондентларнинг фикрича тиббиёт билан психология фанларининг ўзаро боғлиқлиги ўрганилганда қуйидаги кўрсаткичлар олинди. Респондентларнинг мулоҳазасига кўра 56 нафари (82,81%) тиббиёт билан психология фанлари ўзаро боғлиқ, 7 нафари (10,93%) қисман боғлиқ, 2 нафари (3,12%) мутлақо боғлиқ эмас, 1 нафари эса (1,56%) жавоб бермаган. Эмпирик кўрсаткичлар респондентларнинг асосий қисми тиббиёт билан психологиянинг ўзаро алоқадорликка эга ҳамда тиббиёт соҳасида ишлаётган мутахассислар психологияга тегишли билимлар орқали ўз фаолиятлари

самарадорлигига эришлари мумкинлигини таъкидлаганлар. Ўз навбатида улар тиббиёт муаммоларини ечишда психология фанининг соҳаларига зарурат борлигини куйидагича ифодаладилар: 51 нафари (79,68%) зарурат бор, 11 нафари (17,18 %) қисман зарура бор, 1 нафари (1,56%) зарурат йўқ ва 1 нафари эса жавоб бермаган. Респондентларнинг жавобига кўра тиббиёт соҳаси мутахассислари учун психология фани тармоқларидан касбий фаолиятларида фойдаланишга зарурат бор экан.

Муносабатлар тиббиёт соҳасида психология фани, хусусан, тиббий психодиагностикадан фойдаланишга зарурат мавжудлигини кўрсатмоқда.

Навбатдаги баҳолаш бандида респондентлар ўз меҳнат тажрибаларида тиббий психодиагностикага зарурат сезганликлари, хорижий ҳамкасблари фаолиятида тиббий психодиагностикадан фойдаланилиш ҳолатидан хабардорлиги, маҳаллий мутахассислар фаолиятида тиббий психодиагностикадан фойдаланиш ҳолати ва тиббиёт таълим йўналишида тиббий психодиагностика ўқув фанини ўқитишни йўлга қўйиш масаласига бағишланган.

2-жадвал

Тиббий психодиагностиканинг тиббиёт ходимлари фаолиятида фойдаланиш хусусиятлари

Баҳолаш мезонлари	Тиббий ходимларнинг миқдори ва % улуши (N=64)			
	Дуч келган		Дуч келмаган	
Шахсий тажрибасида тиббий психодиагностикага зарурат туғилганлиги	48	75	16	25
Хорижий тиббиёт амалиётида тиббий психодиагностикадан фойдаланилишини билиши	Фойдаланаётганлигини билмаман		Фойдаланаётганлигини билмайман	
	58	90,62	6	9,37
Ўзбекистонлик тиббиёт ходимлари тиббий психодиагностикадан ўз фаолиятларида фойдаланаяпдилар	Фойдаланмоқда		Фойдаланмаяпти	
	23	35,93	41	64,07
Тиббиёт таълим йўналишида тиббий психодиагностика ўқув фанини ўқитишни йўлга қўйиш	Жорий этиш лозим		Жорий этиш лозим эмас	
	62	96,87	2	3,23

Респондентлар ушбу йўналишлар бўйича натижаларига кўра шахсий тажрибасида тиббий психодиагностикага зарурат туғилишига дуч келганликларини 48 нафар (75%) билдирганлар. Бундан кўринадикки, тиббиёт соҳасидаги мутахассислар ўз меҳнат самарадорлиги, хусусан, беморларни самарали даволашда зарур услуб ва технологиялардан фойдаланишга хайрихоҳдилар. Бу ҳолат уларнинг ўз фаолиятларида тиббий психодиагностика имкониятларидан фойдаланаётганликлари кузатилади.

Респондентлар хориждаги ҳамкасблари фаолиятида фойдаланишларидан хабардор бўлганлар эса 58 нафар (90,62%) ташкил этди. Уларнинг ҳамкасблари фаолиятида тиббий психодиагностикадан самарали фойдаланаётганлигини эътироф этдилар. Ўзбекистондаги тиббий психодиагностикадан фойдаланишнинг умумий ҳолати ижобий баҳоламаганлар, яъни 23 нафари (35,93%) фойдаланмоқдалар демокдалар.

Бундан кўринади, ушбу эмпирик кўрсаткичлар Ўзбекистонда тиббиёт ҳожимлари томонидан умумий тарзда 35% дан ортиқроқ тиббиёт ходимлари бундан фойдаланишга эътибор қаратаётган бўлсалар, 65 % яқин қисми эса бундан фойдаланишлари учун чора-тадбирларга эҳтиёж борлигини англатади. Агар мазкур масалани бугунги кундаги ечимини топиш учун илк қадамлардан бири тиббиёт таълим йўналишларида тиббиёт психодиагностикаси фанини ўқитишни йўлга қўйиш орқали таъминлаш мумкин. Респондентлар тиббиёт таълим йўналишида тиббий психодиагностика ўқув фанини ўқитишни йўлга қўйишда 62 нафари (96,87 %) ижобий фикрни билдирганлар ва тиббиёт ходимлари фаолиятида тиббий психодиагностикани жорий этиш аҳамиятли деган хулосани бермоқдалар. Ушбу мулоҳазар Ўзбекистонда тиббий психодиагностикадан фойдаланиш бўйича дастлабки тажрибалар мавжуд, аммо уни амалиётда тўлиқ жорий этилиши учун аниқ чора-тадбирларга эҳтиёж борлигини ифодаламоқда.

Ўзбекистонда тиббиёт фанининг ривожлантириш ва мутахассислар касбий салоҳиятини оширишда психология билимлар, хусусан, тиббий психодиагностиканинг ривожлантириш билан боғлиқ ҳолатларни ўрганиш муаммоларни ҳал этишда қўйидагиларни ҳал этиш лозимлигини кўрсатмоқда:

психодиагностика психология фани ва амалиётининг ажралмас қисми эканлигини инобатга олиб, умумлаштирилган режада унинг моҳияти "ягона" шахсининг ҳолати, хусусиятлари ва имкониятларини ташхислаш, уни тарбиялаш ва ўқитиш, олдини олиш ва даволаш учун ҳар бир шахс билан амалий ёрдам кўрсатишга эришиш лозим;

психодиагностика инсон психикасининг тизимли механизмларини, биологик ва психосоциал муносабатларни очиқ бериш имкониятини руёбга чиқаришга хизмат қилиши учун Ўзбекистонда дастлабки тажрибаларни кучайтириш ва тиббий психодиагностиканинг тадқиқот услубларини амалиётда татбиқ этишга эътиборни кучайтириш керак;

тиббиёт учун психология фанининг аҳамияти, хусусан, психодиагностиканинг аҳамиятининг ўзига хослиги ҳақида ишонч билан гапириш мумкин бўлиб, у тиббиётда психодиагностика назарияси ва усуллари асосида касаллик этиологияси, патогенези, касалликларни даволаш ва олдини олишда психологик омилларнинг ролини ўрганиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилади, аммо мамлакатимизда тиббиёт бўйича мутахассисларнинг психологик тайёргарликни таъминлаш бўйича ўқув курсларини жорий этиш зарур;

умумий тиббий амалиётда нейропсихик касалликлар, психосоматик патология ва соматопсихик касалликларнинг тарқалиши, мия шикастланиши, болалар ва ўсмирларнинг ривожланиш аномалиялари, ўз жонига қасд қилиш хатти-ҳаракати ва бошқаларнинг сабабларини аниқлашда психодиагностика методикаларини тиббиётда қўллаш самарали натижалар бериши мумкинлиги ҳақида сўз боради, аммо унинг тўлақон татбиқ этиш бўйича амалий тизимни таъминлаш;

турли тиббий муассасаларда тиббий диагностика усуллари билан психологик диагностика усуллари уйғунликда қўллаш касалликлар сабабларини аниқлаш ва довалаш тадбирларини оқилона ташкил этиш муҳимдир.

Адабиётлар рўйхати

1. Мелибаева Р.Н., Абдиназарова И.С. Тиббий психодиагностика: муаммо, мулоҳаза ва ечимлар.// Бухоро. Психология. Илмий журнали. 2020 йил. №4 сон. 68-74 бетлар.

2. Melibaeva R.N. Status and prospects of development of medical psychodiagnostics in Uzbekistan.// International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. 2021. 555-565.

3. Melibayeva, R. N., Khashimova, M. K., Narmetova Yu, K., Komilova, M. O., & Bekmirov, T. R. (2020). Psychological mechanisms of development students' creative thinking. International journal of scientific & technology research, 9(03).

4. Мелибаева Р. Н. Формирование самостоятельного и творческого мышления студентов в процессе поиска решения проблемной ситуации //Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. – 2012. – №. 12.

5. Narmetova Y., Kuldosheva G., Bekmirov T. The Psychological Services Role in the Psychodiagnostics and Psychocorrection of Psychosomatic Patients in the Psychoemotional Situation //International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. – 2021. – Т. 8. – №. 12. – С. 249-256.

ЗАМОНАВИЙ РАХБАР ШАХСИДА ЛИДЕРЛИК ҚОБИЛИЯТИ РИВОЖЛАНИШНИНГ ГЕНДЕР ТАФОВУТЛАРИ

Элмуродов У.Ю.

Самарқанд давлат университети

Замонавий дунёда барча соҳаларда аёллар эркаклар билан баробар бўлиб фаолият юритишмоқда ва ўзларининг касбий фаолиятида юқори натижаларга эришишмоқда. Ушбу натижаларнинг янада юқори бўлиши учун раҳбарларда лидерлик қобилияти ривожланишини гендер жихатдан ўрганиш талаб этилади.[1]

Аёл раҳбарлар эркак раҳбарларга қараганда кўпроқ трансформацион лидер бўлиш мойил. Агар аёл раҳбарлар кўпроқ трансформацион бўлса, шу билан бирга трансформацион бўлиш трансакцион лидерлик учун муҳим демак аёллар самарали лидерлар бўлади. Розенер лидер аёллар билан тадқиқот олиб бориб, уларнинг асосий қисми трансформацион лидерликка алоқадорлигини кўрсатган[3 9-23]

Басс ва Аволио фикрича, раҳбар лидер трансформацион бошқарув услубини қўлласа ходимлар муваффақиятли фаолият олиб боради.

МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА.....3

Шўба 1. Фанлараро интеграция XXI аср психологиясининг ривожланиш йўли сифатида.

Мухамедова Д.Г., Миррахмедова Л. КОММУНИКАТИВНЫЙ ПОТЕНЦИАЛ МЕНЕДЖЕРА ОБРАЗОВАНИЯ КАК ФАКТОР УСПЕХА УПРАВЛЕНЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ	5
Самаров Р. С. ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ТИЗИМИДА ШАХС ФАОЛЛИГИ: НАЗАРИЙ-ПСИХОЛОГИК БАЁН	7
Жабборов А.М. ПСИХОЛОГИК ҲИМОЯ МЕХАНИЗМИ - ШАХС БАРКАМОЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ МУҲИМ ОМИЛ.....	11
Алимов Х.М. ТАСАВВУФ ПСИХОЛОГИЯСИ ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯ НАТИЖАСИ СИФАТИДА.....	14
Majidov N. M., Karimova M.I. SHAXSNING KASBIY YO'NALGANLIK DARAJASI SHAKLLANISHINING PSIXOLOGIK OMILLARI.....	17
Турсунов Л.С., Орзикулова Ч.Р. Э.Ф.ФОЗИЕВНИНГ ИЛМИЙ АСАРЛАРИДА ЮКСАК ИНСОНИЙ ҲИСЛАРНИНГ ТАЛҚИН ЭТИЛИШИ.....	20
Мелибаева Р. Н. ТИББИЙ ПСИХОДИАГНОСТИКАНИНГ ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ФОЙДАЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	23
Элмуродов У.Ю. ЗАМОНАВИЙ РАҲБАР ШАХСИДА ЛИДЕРЛИК ҚОБИЛИЯТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ГЕНДЕР ТАФОВУТЛАРИ.....	27
Султанова Л.З. К ПРОБЛЕМЕ РЕЛИГИОЗНОЙ ТОЛЕРАНТНОСТИ.....	31
Карамян М.Х. БЛАГОПОЛУЧИЕ СЕМЬИ КАК ФОКУС ИНТЕГРАЦИИ ПСИХОЛОГИИ И СОЦИАЛЬНОЙ РАБОТЫ	34
Мухамедова Д.Г, Гаффарова Д. ВЛИЯНИЕ КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ РУКОВОДИТЕЛЯ НА ЭФФЕКТИВНОСТЬ УПРАВЛЕНЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ.....	37
Агзамова Е.Ю., Рахиммирзаев С.Б. МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ВИРТУАЛЬНОГО ОБЩЕНИЯ ЛИЧНОСТИ В РАМКАХ КУЛЬТУРНО-ИСТОРИЧЕСКОЙ ТЕОРИИ.....	39
Абидова З.А., Джалалов У.Д. ТОЛЕРАНТНОСТЬ КАК ФАКТОР, СНИЖАЮЩИЙ РИСКОВАННОЕ ПОВЕДЕНИЕ МОЛОДЁЖИ	42
Хрульнова Г. В. ЗАДАЧИ ПСИХОЛОГА ПО МИНИМИЗАЦИИ ПОСЛЕДСТВИЙ ИНСТИТУЦИОНАЛИЗАЦИИ У ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА	44
Бекназарова Л. ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ПЕДАГОГ ВА ТАЛАБА ҲАМКОРЛИГИ АМАЛИЙ ПСИХОЛОГИК МАСАЛАЛАРДАН БИРИ СИФАТИДА.....	47